УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИ ДАСТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Гўзал Рустамовна Тиловова
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар 44-умум ўрта таълим мактаби,
Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дарс машғулотларида педагогик технологиялар ва интерфаол методларни қўллаш билан боғлиқ муаммоли жиҳатлар, умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт фанлари дастурларини такомиллаштириш, таълимда “кўтариш” ва “тушириш” принципларининг амал қилиши ҳақида сўз боради. Бугунги ўзбек педагогикасидаги айрим нотўғри ёндашувлар ва унинг салбий оқибатлари таҳлилга тортилган. Муаллиф педагогикага нисбатан механик ва авторитар ёндашув ўқувчилардаги ташаббускорлик ва ностандарт фикрлаш каби фазилатлар йўқотиши мумкинлиги ҳақида янги талқиндаги фикрларни баён қилган.

Калит сўзлар: педагогик технологиялар, интерфаол методлар, “тушириш” принципи, “кўтариш” принципи, интеграция.

THE IMPROVEMENT OF THE NATIVE LANGUAGE AND LITERATURE PROGRAMS OF SECONDARY SCHOOLS

Guzal Rustamovna Tilovova
Teacher of “Uzbek language and literature”
of School 44, Karshi, Kashkadarya region

ABSTRACT

This article describes the problematic aspects associated with the use of pedagogical technologies and interactive teaching methods in the classroom, the improvement of the native language programs and literature of secondary schools, the application of the principles of “lifting” and “lowering” in education. Some incorrect approaches in modern Uzbek pedagogy and their negative consequences were analyzed. The author presents his thoughts in a new interpretation that a mechanical and authoritarian approach to pedagogy can lead to the loss of students ' qualities such as initiative and non-standard thinking.

Keywords: pedagogical technologies, interactive methods, the principle of "lowering”, the principle of "lifting", integration.

КИРИШ

Бугунги кун педагогикасида ўргатишдан кўра ўрганишга ўргатиш кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Миллий педагогикамиз яқин йилларга қадар ўқувчиларга инсоният томонидан шу пайтга қадар эгалланган мавжуд билимларни ўргатишни

энг мақбул йўл сифатида қараб келди. Бунда мавжуд билимлар ўқувчи онг ва тафаккурига тайёр ҳолда сингдирилади. Бу жараёнда билимлар адабиётларда тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва буни ўзлаштириш ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам қаноатланарли ҳисобланади. Аммо бу ўқувчиларда масала ва ҳодисалар моҳиятини англашга нисбатан ижодий ёндашувни назарда тутмайди, фақат мавжуд билимларни ёдлаш, уларни амалиётга жорий этиш бу турдаги педагогиканинг бош мақсади сифатида қаралади. Бундай ёндашувда ўқувчининг қанчалик кўп билимни ёдда сақлаганига қараб унинг билими ҳақида хулосалар чиқарилади. Бу, тўғри, аммо билим олиш жараёни икки босқичдан иборатлигини, биринчи босқич билимларни эгаллаш, иккинчи босқич ундан хулосалар чиқариш эканлигини ҳисобга олсак, бу усул тугалланмаган методика сифатида ўзини оқламаслиги ойдинлашади. Билим билим учун хизмат қилмас экан, унинг оддий информациядан фарқи қолмайди. Яъни мавжуд билимлар янги билимларни кашф этиш учун пойдевор сифатида хизмат қилмаса, бу жараёнда занжирли реакция ҳодисаси кузатилмаса, фан ва ишлаб чиқаришда кутилгандек ривожланиш ва тараққиёт кузатилмайди. Бунинг учун ўқувчилар масаланинг моҳиятини англаши, сабаб ва оқибатларни тушуниб етиши ва хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим бўлади. Аммо бир неча авлод ўқувчилар юқоридаги тумтоқ методика “шарофати” билан адабиётларда мавжуд билимларни эсда сақлаб қолиш, уларни кўр-кўрона ёдлаш, борингки, олган билимларини амалиётда татбиқ этишдан нарига ўта олмай келишди. Қанчадан-қанча хотираси билим ва информацияга тўлиб тошган иқтидорли ўқувчиларнинг иқтидорлари рўёбга чиқмай, ишлаб чиқариш жараёнига сингиб “йўқолиб” кетди. Ваҳоланки, дарс машғулотларида ўқувчилар ҳар бир фан, керак бўлса ҳар бир мавзу борасида ҳодиса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни англаши, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат ва мувозанатларни тушуниши, чоғиштириш, солиштириш ва мантиқий хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим бўлади. Бу эса дарс машғулотининг қай даражада жиддий ва ўзига хос жиҳатлари бор ижодий жараён эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юқоридаги ва бошқа сабабларга кўра педагогика соҳаси доимо янгиланиб, замонга мослашиб бораверади. Миллий педагогикамиз ҳозирда шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида педагогикамизга педагогик технологиялар (ПТ) ва интерфаол методлар асосида дарс машғулотини ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнлар кириб келди. Педагогик технологиялар тушунчаси кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни тавсифлашда мутахассисларнинг қарашлари турлича. Масалан, Г.К.Селевко педагогик технологияларни ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, такомиллаштириш ва олиб бориш учун таълим олувчи ва ўқитувчи учун яратилган шарт-шароитни таъминланишини ўз ичига олувчи ва барча деталлари бўйича ўйлаб яратилган педагогик фаолиятнинг моделидир, деб ҳисоблайди. В.П.Беспалько эса мазкур тушунчани қўйилган таълим мақсадларини муваффақиятли тарзда амалга оширишга имкон берувчи назарий жиҳатдан

асосланган ўқув ва тарбия жараёнларини рўёбга чиқариш (ёки амалга ошириш) воситалари ва методлари жамланмаси сифатида тушунади.

ПТни бугунги кунда янгилик сифатида баҳолаб бўлмайди. Ўрни келганда айтиш жоизки, аслида бу каби ностандарт тажрибалар замирида ўқитувчининг дарс машғулотига нисбатан янги, самарадор усул ва воситалар билан ёндашиши, дарс машғулотига нисбатан ижодий жараён сифатида қараш мавжудлигини кўрамиз. Янги усул ва воситалар, метод ва ёндашувлар агар фан ва мавзунинг ўзига хослигидан келиб чиқиб тўғри танланса ва меъёрида қўлланилса, шубҳасиз, дарс машғулотининг самарадорлигини оширади. Аммо ҳозирда қўлланилаётган ПТ ва интерфаол методларнинг барчасини ҳам дарс машғулотининг самарадорлигини ошираяпти, деб айта оламизми? Афсуски, йўқ. Тўғрироғи, ПТ ва интерфаол методларни нотўғри тушуниш ва тўғри талқин қилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бизнинг назаримизда, кейинги пайтларда бу борада “урҳо-ур” ва “ҳайбаракаллачилик” анча авж олиб кетди. Кузатишларимизга қараганда, бу ҳодисага нисбатан тушуниб-тушунмай ёндашиш натижасида кўпчилик педагоглар (бу айниқса халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида) дарс машғулотини ўйинга, қандайдир кўнгилочар машғулотга айлантириб қўймоқдалар. Айрим ўқитувчилар масалага кўр-кўрона ёндашиб, дарс машғулотининг моҳиятидан узоқлашиб ва мақсадидан чекиниб кетаётганликларини сезмай қолишмоқда. Зеро, синовдан ўтмаган, натижаси кафолатланмаган ёндашувларни таълим жараёнига татбиқ этиб бўлмайди. Чунки таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг тақдири, уларнинг билим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари бу миллат келажагига дахлдор ҳодисалар бўлиб, унинг устида “тажриба ўтказиш” учун ўқитувчига ҳуқуқ ва ваколат берилмаган.

НАТИЖАЛАР

Бизнингча, таълим тизимида, хусусан педагогик таълим тизимида таълим турлари ўртасида интеграция жараёнларини кучайтирмасдан, унинг оптимал ечимлари ҳақида муайян тўхтамларга келмасдан туриб кутилган натижага эришиб бўлмайди. Таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнлари эса мамлакат таълим структурасидан тортиб, бошқарув механизмлари-ю фан дастурларигача бўлган жуда катта тизимда ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларининг таъминланиши билан содир бўлади. Бу жуда мураккаб ва тизимли жараёндир. Бу жараён ҳақида таълимга доир манбаларда кўп гапирилган бўлса-да, аммо ижрога келганда тизимлиликнинг йўқлиги ва назария ҳамда амалиёт ўртасидаги номувофиқлик кўзга ташланади.

Умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт фан дастурларида кейинги йилларда узвийлик масаласи шаклан маълум даражада таъминланаётганлигини кўришимиз мумкин. Аммо мазмунга келганда узвийлик эмас, балки дастур мазмунини чўзиш ва сийқалаш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан 6-синф “Она тили” дарслигидаги муайян бир мавзу ундан кейинги синфларда ҳам мавжудлигини кўрамиз. Бу бир қараганда кейинги синфларда ўша мавзу янада чуқурроқ ва батафсилроқ берилиши нуқтаи назаридан нотўғри

эмасдир, балки. Аммо амалда ундай эмас. Амалда 6-синфдаги назарий маълумотлар кейинги синфларда ҳам такрорланади ва бир оз чўзилади. Шу мавзуга хос янги грамматик меъёрларга хос янги назарий маълумотлар берилмайди.

Умуман, тилшунослик фанининг назарий маълумотларини ўқувчиларга ўргатиш масаласини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Грамматик меъёрларнинг ўқувчиларга берилиши лозим бўлган даражасини қатъий белгилаб қўйиш лозим, бизнинг назаримизда. Чунки тил амалий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлиб, унинг грамматик меъёрлари ҳар доим ҳам тилни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад – фикрни тингловчига равон ва тиниқ етказишга хизмат қилавермайди. Бошқача айтганда, инсон нутқининг равонлашуви тилшуносликнинг назарий маълумотларини пухта эгаллаш, грамматикасини яхши ўзлаштиришга унчалик боғлиқ эмас. Модомики, тилни ўрганишдан мақсад фикрни тингловчига сифатли етказиш экан ва грамматикага оид билимлар бунга у даражада хизмат қилмас экан, грамматикани ўрганиш даражасини ҳам қисқартириш мақсадга мувофиқ келади. Умумтаълим мактабларининг она тили дастурларини худди шу нуқтаи назардан қайтадан кўриб чиқиш лозим. Такомиллаштирилиши назарда тутилаётган дастурда ўқувчиларга назарий маълумотларни беришни кескин қисқартириш, унинг ўрнига ўқувчиларнинг сўз билан ишлаш маҳоратини ошириш билан боғлиқ амалий жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, “Она тили” дарсликлари 6-синфда “Сўз мулкига саёҳат”, 7-синфда “Бадиий сўз нафосати”, 8-синфда “Мумтоз сўз сеҳри” каби туркум мавзуларга хосланиши ва шу борада ўқувчиларнинг сўз устида ишлашлари тилшунослик фанини ўқитишдан кўзланган мақсадга мувофиқ келади. Педагогик олий таълим муассасаларининг ўқув фан дастурлари ҳам давр талаби нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқилиши зарур. Бунда умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқув режаларида берилган фанларга ажратилган соатлар миқдорига мос ҳолда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёни айни шу жойда кўзга ташланади. Умуман, бу жараёнда иккита савол кўндаланг туради:

1. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга нимани ўргатиш керак?
2. Фан дастурларида мавжуд мавзуларни ўқувчиларга қандай ўргатиш керак?

Мазкур саволларнинг биринчиси натижасида фан дастурлари шакллантирилади, иккинчиси эса методикани такомиллаштирига қаратилган. Мана шу иккита савол ўзида таълим жараёнининг мазмунини тўла ифодалайди. Демак, фан дастурлари ўзида таълим мазмунини ифодалар экан, унинг сифати таълим сифатини белгилайди, деган мантиқий хулосага келиш мумкин.

Фан дастурлари шу кунга қадар юқоридан пастга схемаси билан амалиётга жорий этилган. Яъни, фан дастурлари вазирликда ишлаб чиқилган ва таълим муассасаларига туширилган. Бизнинг назаримизда таркибида муҳим битта компонент йўқлиги сабабли ҳам бу схема ўзини амалда тўла оқлай олмади. Бизнингча, фан дастурлари пастдан юқорига ва юқоридан пастга схемаси орқали ишлаб чиқилиши лозим. Масалан, таълим муассасалари бугунги кун ва талаба-

ўқувчиларнинг савия ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фан дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишлари ва уни таълимни бошқарувчи идораларга тақдим қилишлари, ўз навбатида таълимни бошқарувчи идоралар тасдиқланган давлат таълим стандартлари асосида қуйидан тақдим қилинган дастурларни кўздан кечириб, кейин яна амалиётга жорий этиш учун қуйига туширишлари фан дастурларини яратиш схемасини тўлақонлилигини таъминлайди.

МУҲОКАМА

Яна бир муҳим жиҳат, фан дастурларини табақалаштириш билан боғлиқ. Чунки аудиторияда қобилиятли ўқувчи билан бирга фанларни ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчилар ҳам мавжуд. Бу табиий ҳолат. Талим жараёнини сифатли ташкил қилиш ва унда самарадорликка эришишда таълим олувчининг қобилиятли муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, фан дастурларини табақалаштириш лозим. Ҳозирда ягона фан дастурининг амалда қўлланилиши натижасида ўқитувчи мўлжални қобилияти паст ўқувчига қараб белгиламоқда. Бугунги кунда дарс машғулотларининг интерфаол методлар воситасида соддалаштирилиб, ўйинга айлантирилиши, бизнинг назаримизда, қобилияти йўқ ўқувчиларга билим бериш, дарс машғулоти пайтида уларнинг диққат-эътиборини жалб қилиш мақсадида қилинмоқда. Натижада, таълим жараёни қобилиятли ўқувчиларга таълим бериш даражасига кўтарилмаяпти, аксинча, қобилияти йўқ ўқувчиларга таълим бериш даражасига тушириб қўйилмоқда. Бу тескари принцип оқибатида таълим қобилиятли ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш даражасига қадар етиб бора олмаяпти. Давлат таълим стандартларида *минимум* тушунчаси мавжуд. Бу таълим босқичини битираётган ўқувчиларнинг билим даражасига қўйилаётган минимум талабларни белгилайди. Тескари принцип натижасида бизнинг таълим тизимимиз ўша минимум талаблар, ҳатто ундан ҳам паст даража атрофида ўралашиб қолмоқда. Шу ўринда бир қиёс келтирмоқчимиз: гарчи норасмий бўлса-да, репититорлик таълимда энг самарадор усуллардан бири эканлиги ҳаётда ўз исботини топиб улгурди. Энг қизиғи, репититорлар камдан кам ҳолларда ўйин технологияларига мурожаат қилишади. Аввало, репититорлар ўқувчиларни билим даражасига қараб гуруҳлаштиради ва аудиториядаги энг иқтидорли боланинг эҳтиёжларига қараб дарс машғулотини ташкил қилади. Бу эса гуруҳдаги қолган ўқувчилар учун стимул бўлиб, уларнинг янада кўпроқ интилишига, пировардида, таълим жараёнининг сифат ўзгаришларига олиб келади. Дарҳақиқат, таълимда айнан **тушириш** эмас, балки **кўтариш** принципига амал қилингани учун ҳам репититорлик энг самарадор шакллардан бири сифатида тан олинмоқда.

ХУЛОСА

Таълим тизимида мавжуд бу каби “кўтариш” ва “тушириш” принциплари ҳақида педагогикага доир адабиётларда қайдлар мавжуд эмас. Тизимда мавжуд икки хил қарама-қарши тенденцияни биз шартли равишда шундай номладик. Балки бу принцип даражасидаги ҳодисалар эмасдир. Балки сиз уларни бошқача

номларсиз, аммо бу муҳим эмас. Муҳими, шу иккала тескари ҳодисанинг таълим тизимимизда ёнма-ён ҳолда мавжудлигидир. Аммо унутмаслигимиз керакки, тушириш принципига асосланган таълим тизимида кутилган натижага, самарадорликка эришиб бўлмайди. Бу эса таълим мазмунини белгиловчи фан дастурларини кўтариш принципи нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқиш таълим тизимининг айни пайтдаги энг долзарб масалаларидан эканлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии. –М.: Педагогика, 1980, 146с.
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. –М.: Просвещение, 1989. 231с.
3. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы, 7*(7), 82-83.
4. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.
5. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. *Journal of Critical Reviews, 7*(12), 166-169.
6. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
7. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research, 6*(8), 539-541.
8. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(9), 12-15.
9. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, *1*(31), 14-16.
10. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука, 5*(14), 26-28.
11. Botirova Sh.I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки, 2*(44), 31-34.
12. Botirova Sh.I. (2019). Role of psychological display in characteristic of characters in the novel of an Ulugbek Hamdam. *Monografia pokonferencyjna. Science, research, development #14. Philology, sociology and culturology. V.02, London. 27.02.2019-28.02.2019*, 86-90.
13. Botirova Sh.I. (2018). Symbolic-figurative talk and psychological relations. *«Экономика и социум»*, *12*(55), 114-118.

REFERENCES

1. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии. –М.: Педагогика, 1980, 146с.
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. –М.: Просвещение, 1989. 231с.
3. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы, 7*(7), 82-83.
4. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.
5. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. *Journal of Critical Reviews, 7*(12), 166-169.
6. Botirova S. I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
7. Botirova S. I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research, 6*(8), 539-541.
8. Botirova S. I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(9), 12-15.
9. Botirova S. I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки, 1*(31), 14-16.
10. Botirova S. I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, *5*(14), 26-28.
11. Botirova S. I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки, 2*(44), 31-34.
12. Botirova S. I. (2019). Role of psychological display in characteristic of characters in the novel of an Ulugbek Hamdam. *Monografia pokonferencyjna. Science, research, development #14. Philology, sociology and culturology. V.02, London. 27.02.2019-28.02.2019*, 86-90.
13. Botirova S. I. (2018). Symbolic-figurative talk and psychological relations. *«Экономика и социум», 12*(55), 114-118.